Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2025 ЙИЛ — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2025 йил 16 ноябрь, № 238 (9133) Якшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ВА ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлиб турибди.

Кўксарой қароргоҳида 15 ноябрь куни икки давлат етакчилари ўртасида тор доирадаги музокаралар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон стратегик шериклар ҳамда тараққиёт йўлидан биргаликда бораётган ишончли иттифоқчилардир. Бу икки давлат раҳбарларининг минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш, узоқ муддатли шерикликни ривожлантириш борасидаги қарашлари ўзаро мос келаётганини кўрсатади.

Транспорт-коммуникация йўлакларини шакллантириш, энергетик ҳамкорликни чуқурлаштириш, экология масалаларида ҳамжиҳат позиция шаклланиши муносабатларнинг янги босқичга кўтарилганининг амалий исботидир. Бу йўналишларда қўлга киритилаётган натижалар нафақат икки томонлама манфаатни, балки бутун минтақа учун стратегик аҳамиятни ифодалайди.

(Давоми 2-бетда).

КЎП ҚИРРАЛИ АЛОҚАЛАРНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Кўксарой қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашувида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан учрашди.



Етакчилар Ўзбекистон — Тожикистон дўстлик, яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада кенгайтиришнинг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар.

Ўзаро савдони кўпайтириш бўйича мувофиқлаштирилган чора-тадбирлар кўриш, саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги ҳамда бошқа устувор соҳаларда кооперация лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Фаол маданий-гуманитар алмашинувлар ва самарали ҳудудлараро алоқаларни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ОЗАРБАЙЖОН БИЛАН АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИ ҚАЙД ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 ноябрь куни Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашувида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев билан учрашув ўтказди.

Суҳбат аввалида Илҳом Алиев Ўзбекистон етакчисига Маслаҳат учрашувида иштирок этиш таклифи учун миннатдорлик билдирди.

Давлатимиз раҳбари, ўз навбатида, қардош Озарбайжон Президенти ва халқини жорий йил 8 ноябрь куни нишонланган Ғалабанинг беш йиллиги билан самимий табриклади.

Ўзбекистон Президентининг шу йил июль ойида Озарбайжонга давлат ташрифи давомида эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон — Озарбайжон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Барча даражаларда самарали алмашинувлар давом этмоқда. Жорий йил бошидан товар айирбошлаш ҳажми 15 фоизга ошди. Автомобилсозлик, энергетика, туризм ва бошқа тармоқларда саноат кооперацияси бўйича қўшма лойиҳалар фаол паллага кирган.

Етакчилар бўлажак олий даражадаги учрашув ва тадбирлар режасини ҳам кўриб чиқдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашувида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров билан учрашди.

Олий даражадаги келишувларнинг ижроси, биринчи навбатда, товар айирбошлашни кўпайтириш, саноат, транспорт, энергетика ва инфратузилма соҳаларидаги муҳим кооперация лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш чоралари кўриб чиқилди.

Фаол ҳудудлараро алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинувларни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Президентлар минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

УМУМИЙ МАДАНИЙ ВА МАЪНАВИЙ МЕРОС МИНТАҚА МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ЯҚИНЛАШИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашувида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган минтақа мамлакатлари ва Озарбайжон Президентлари Ўзбекистон Президенти билан биргаликда Тошкентдаги Ислом цивилизацияси марказига ташриф буюрдилар.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган марказ ислом цивилизациясининг бебаҳо меросини асраб-авайлаш ва тарғиб қилишга бағишланган ноёб манбалар, илмий тадқиқот ва таълим йўналишларини бир жойга жамлаган тарихимиздаги илк мажмуа бўлди.

Мажмуа миллий меъморий анъаналар ва замонавий безаклар уйғунлигида барпо этилди. Иншоотнинг тўрт томонида баландлиги 34 метрли пештоқлар, ўрта қисмида эса 65 метрли миллий услубдаги гумбаз қад ростлаган.

Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев, Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон, Қирғизистон Президенти Садир Жапаров, Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев Президент Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида мусулмон оламининг бебаҳо маънавий дурдонаси саналган Усмон Мусҳафи сақланаётган Қуръони карим залига ташриф буюрдилар. Қуръоннинг энг қадимий қўлёзмаларидан бири бўлган ушбу нодир манба улкан тарихий ва маданий аҳамиятга эга бўлиб, минтақамиз халқларининг цивилизациявий ўзига хослигини шакллантирган чамбарчас маънавий ришталаримизни ифода этади.

Етакчилар, шунингдек, “Исломдан аввалги цивилизациялар”, “Биринчи Ренессанс”, “Иккинчи Ренессанс” ҳамда “Янги Ўзбекистон — янги Ренессанс” бўлимлари билан танишдилар.

Уларда буюк алломаларимиз Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Мансур Мотуридий, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқа улуғ уламоларнинг бой илмий ва маънавий мероси кенг ёритилган. Кўргазмада сомонийлар, қорахонийлар, хоразмшоҳлар, темурийлар ва бошқа сулолалар даврига оид қўлёзма нашрлар ва уларнинг қадимги ўзбек тилига таржималари ҳам мавжуд.

Етакчилар минтақа мамлакатлари ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, маънавий-маърифий лойиҳаларни илгари суриш ва умумий гуманитар қадриятларни ривожлантириш муҳимлигини таъкидладилар.

Минтақанинг бой умумий меросини сақлаш ва тарғиб қилиш борасидаги Ўзбекистоннинг кенг кўламли саъй-ҳаракатларига юқори баҳо берилди. Мажмуа замонавий тадқиқот маркази бўлиб хизмат қилишига, минтақа мамлакатлари ўртасида илмий, таълим ва маданий ҳамкорлик учун янги уфқлар очишига ишонч билдирдилар.

Ислом цивилизацияси марказига ташриф давомида Марказий Осиё давлатлари ва Озарбайжон Президентлари “Келажак мероси” халқаро мукофоти совриндорларини тақдирлаш маросимида иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан таъсис этилган халқаро мукофот адабиёт, маданият, санъат, фан, таълим ва рақамли технологиялар соҳаларида катта ютуқларга эришган юртимиз ва хорижий ижодкорларни рағбатлантиришга қаратилган.

Марказий Осиё мамлакатлари ва Озарбайжон вакиллари: Халқаро туркий маданият ташкилоти (ТУРКСОЙ) бош котиби, Қирғизистон халқ ёзувчиси Султон Раев “Адабиёт” номинациясида, Тожикистон халқ шоири Давлат Сафарзода “Маданият” номинациясида, М. Авезов номидаги Қозоғистон Миллий драма театри актёри Еркебулан Дайиров “Театр ва кино” йўналишида, Озарбайжон халқ артисти Алим Гасимов “Мусиқа ва рақс” номинациясида, Туркманистон халқ артисти Бабасари Аннамирадов “Тасвирий ва амалий санъат” йўналишида, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги халқаро марказ директори ўринбосари, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори Дилфуза Эгамбердиева “Фан, таълим ва рақамли технологиялар” номинациясида танловнинг илк ғолиблари бўлди.

Етакчилар ҳузурида лауреатларга мукофот ҳайкалчаси, диплом ҳамда 10 минг долларлик пул мукофоти топширилди.

ЎзА.

ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов 16-17 ноябрь кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Олий даражадаги музокаралар кун тартибига Ўзбекистон — Туркманистон стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, кўп қиррали ҳамкорликни, биринчи навбатда, сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт, сув-энергетика, маданий ва гуманитар соҳаларда кенгайтириш масалалари киритилган.

Ташриф доирасида давлат раҳбарлари “Шовот — Тошовуз” чегараолди савдо зонасининг очилиш маросимида ҳам иштирок этишади.

Ўзбекистон ва Туркманистон етакчилари халқаро ҳамда минтақавий масалалар юзасидан фикр алмашадилар.

Саммит якунида Қўшма баёнот қабул қилиниши ва икки томонлама ҳужжатлар тўплами имзоланиши режалаштирилган.

Туркманистон Президенти, шунингдек, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашувида иштирок этади.

ЎзА.

Ўзбекистон — Туркманистон:

БАРҚАРОР КЕЛАЖАК ЙЎЛИДАГИ ҲАМЖИҲАТЛИК

Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов 16-17 ноябрь кунлари давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлади.

Ташриф давомида Туркманистон етакчиси Марказий Осиё давлат раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашувида иштирок этади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон — Туркманистон муносабатлари кўп асрлик яхши қўшничилик алоқалари ва умумий тарихий, маданий ҳамда маънавий қадриятларга асосланган барқарор суръатлар ва изчил ривожланишни намойиш этди.

2

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2025 йил 16 ноябрь

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ВА ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Иқтисодий ўзаро боғлиқлик ҳам изчил ўсмоқда. Икки томонлама савдо ҳажмини ошириш бўйича қўйилган мақсадлар амалий қадамлар билан мустаҳкамланмоқда.

Ушбу давлат ташрифи Ўзбекистон — Қозоғистон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари тарихида янги босқични бошлаб бериши таъкидланди.

Ташрифга тайёргарлик доирасида Тошкентда Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши ва бизнес форуми, Қозоғистон тиббиёти кунлари, қозоқ фильмлари намойиши, Остона кунлари ва бир қатор маданий тадбирлар муваффақиятли ўтказилгани мамнуният билан қайд этилди.

Йилнинг ўтган даври мобайнида товар айирбошлаш сезиларли даражада ўсди. Юк ташиш ҳажми ортмоқда, шаҳарлар ўртасида ҳафтасига 40 дан ортиқ авиақатновлар амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда 6,5 мингта қўшма корхона ташкил этилди ва устувор тармоқларда йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Саноат кооперациясини ривожлантириш учун 8 миллиард доллардан ортиқ қийматдаги лойиҳалар портфели тайёрланди. Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун қўшма инвестиция платформасини ишга тушириш таклиф қилинди.

Музокаралар давомида энергетика, транспорт, кимё саноати, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ахборот технологиялари ва бошқа муҳим соҳаларда ўзаро манфаатли шерикликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳудудлараро алоқаларни янада кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди. Икки мамлакат ҳудудлари раҳбарларининг биринчи Кенгашини 2026 йилда Қозоғистонда ўтказиш тўғрисида келишувга эришилди.

Давлат раҳбарлари минтақавий ва халқаро масалалар бўйича ҳам фикр алмашдилар.

Шундан сўнг Кўксарой қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев раислигида Олий давлатлараро кенгашнинг иккинчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари 2024 йилда таъсис этилган Олий давлатлараро кенгаш формати ўзининг долзарблиги ва самарадорлигини кўрсатганини таъкидлади.

— Муносабатларимиз бугунги кунда энг юқори — стратегик шериклик ва иттифоқчилик даражасига кўтарилди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Томонлар ҳамкорликнинг янги йўналишларини, икки томонлама салоҳиятдан фойдаланиш йўлларини батафсил муҳокама қилдилар ва Ўзбекистон — Қозоғистон шериклигини кенгайтиришга сезиларли туртки берадиган бир қатор қарорлар қабул қилдилар.

Ўзаро савдонинг барқарор ўсишини таъминлаш, унинг таркибини диверсификация қилиш ва бизнес учун қулай шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилди.

Йил бошидан буён товар айирбошлаш 4 миллиард долларга етгани мамнуният билан қайд этилди. Бу кўрсаткични 2030 йилгача 10 миллиардга етказиш мақсад қилинган.

Бунинг учун барча зарур шароитлар яратилган, савдо ва инвестиция битимларининг салмоқли тўплами шакллантирилган, “ЎзКазТрейд” компанияси таъсис этилган, ишбилармон доиралар ўртасида тўғридан-тўғри ҳамкорлик механизмлари йўлга қўйилган.

Мамлакатимиз етакчи саноат кооперацияси соҳасида эришилган катта муваффақиятларни қайд этди.

Ташриф доирасида “Марказий Осиё” халқаро саноат кооперацияси маркази ҳамда 1,3 миллиард долларлик қатор муҳим лойиҳалар ишга туширилади. Бундан ташқари, умумий қиймати 8 миллиард доллардан зиёд бўлган, жумладан, кимё, геология, инфратузилма, логистика, агросаноат ва кўплаб бошқа соҳалардаги лойиҳаларни ўз ичига олган кенг кўламли Саноат кооперацияси дастури тайёрланди.

Транспорт ва логистика соҳасида тизимли шериклик устувор йўналиш сифатида қайд этилди. Янги транспорт йўлакларини, шу жумладан, Учқудуқ — Қизилўрда йўналишини яратиш, Ақтау, Қуриқ ва Хоргос портларида юк ташишни рағбатлантириш бўйича биргаликда ишлаш зарурлиги қайд этилди.

Энергия ресурсларини ташиш ва қайта ишлаш, энергияни тежаш, “яшил” технологиялар ҳамда ахборот технологияларини жорий қилиш соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга тайёрлик билдирилди.

Сув-экология соҳасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича таъсирчан чоралар кўрилади. Томонлар ташриф доирасида Трансчегаравий сув объектларини биргаликда бошқариш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги битим имзоланишини олқишладилар.

Етакчилар гуманитар алоқалар алоҳида ўрин тутишини қайд этдилар. Жорий йилда Олмаота ва Остона шаҳарларида қўшма маданий тадбирлар — “Лазги” балети, рассомлар кўргазмаси, адабиётчилар форуми ва ёшлар фестивали, шунингдек, Ўзбекистонда Қозоғистон тиббиёти кунлари ва Тошкент шаҳрида Остона кунлари муваффақиятли ўтказилгани мамнуният билан қайд этилди.

Фан ва таълим муассасалари, ёшлар ташкилотлари ўртасидаги алмашинувларни давом эттириш, олий таълим муассасалари билан қўшма дастурларни кенгайтиришга келишиб олинди.

Қўшма сайёҳлик йўналишларини ишлаб чиқиш, Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг тарихий қадамжолари, бой маданий ва маънавий меросини оммалаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, музокаралар кун тартиби юзасидан Бош вазирлар ўринбосарлари, энергетика, транспорт ва маданият вазирларининг ҳисоботлари тингланди.

Олий давлатлараро кенгашнинг иккинчи йиғилиши якунида бир қатор муҳим қарорлар қабул қилинди.

Олий давлатлараро кенгашнинг иккинчи йиғилишидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев йирик кооперация лойиҳаларини ишга тушириш маросимида иштирок этдилар.

Хусусан, “Марказий Осиё” Халқаро саноат кооперацияси маркази ва “Tenge Bank”нинг Тошкентдаги янги бош офиси ишга туширилди.

Шунингдек, “Silkway Central Asia” кўп тармоқли логистика маркази, чизиқли алкилбензол ишлаб чиқариш қувватлари, Янги Тошкентда “Остона” мавзеси ҳамда пойтахтларда “Тошкент” ва “Остона” меҳмонхона мажмуалари қурилиши бошланди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари ушбу лойиҳалар икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилишига ишонч билдирдилар.

Сўнг Кўксарой қароргоҳида Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевга Ўзбекистон Республикасининг олий давлат мукофоти — “Олий Даражали Дўстлик” орденини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари мукофотни топширар экан, Қозоғистон Республикаси Президентининг икки қардош халқ ўртасида дўстлик, яқин қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлаш йўлидаги улкан шахсий хизматларини алоҳида қайд этди.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли икки халқ ўртасидаги муносабатлар мутлақо янги тараққиёт даражасига чиқиб, намунали аҳамият касб этгани таъкидланди. Парламентлар, ҳукуматлар, ҳудудлар, бизнес, жамоатчилик ва ёшлар фаол ҳамкорлик қилмоқда. Маданий ва гуманитар алмашинувлар кенгайиб бормоқда.

Қосим-Жомарт Тоқаевнинг глобал микёсда тинчлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш, шунингдек, минтақамизда ишонч, ўзаро ҳамжиҳатлик ва шериклик муҳитини мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари алоҳида қайд этилди.

Қозоғистон Президенти давлатимиз раҳбари ва Ўзбекистон халқига бундай юксак мукофот учун миннатдорлик билдирди ҳамда қардош мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва иттифоқчилик руҳидаги муносабатлар янада мустаҳкамланишига ишонч билдирди.

Самарали музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев қўшма баёнот имзоладилар.

Шунингдек, давлат раҳбарлари Олий давлатлараро кенгашнинг геология, нодир ер металларини қазиб олиш, трансчегаравий дарёлар оқимини прогноз қилиш бўйича икки томонлама ишчи гуруҳларни ҳамда Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳудудлари раҳбарларининг кенгашини тузиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилдилар.

Ташриф давомида яна бир қатор ҳужжатлар имзоланди, жумладан:

— Трансчегаравий сув объектларини биргаликда бошқариш ва улардан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги битим;

— Божхона хизмати ваколатхоналарини очиш тўғрисидаги битим;

— Чегараолди ҳудудларда ер усти радио хизматлари томонидан фуқаролик мақсадларида фойдаланиладиган радиочастоталарни ўзлаштиришни мувофиқлаштириш тўғрисидаги битим;

— Қўшма ҳарбий ўқувларни ўтказиш тўғрисидаги битим;

— Қўшма инвестиция платформасини яратиш тўғрисидаги ҳадли битим;

— 2026-2027 йилларга мўлжалланган туризм соҳасида ҳамкорлик бўйича қўшма ҳаракатлар режаси;

— Адлия вазирликлари ўртасида 2025-2026 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури;

— Тоғ-кон саноатида ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги меморандум;

— Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги ва “Ассамблея жастары” жамоат бирлашмаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум;

— Соғлиқни сақлаш вазирликлари ўртасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш соҳасида ўзаро англашув меморандуми;

— Тиббий суғурта жамғармалари ўртасида ўзаро англашув меморандуми;

— Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Остона шаҳар ҳокимлиги ўртасида ҳамкорлик битими;

— “Ўзбекнефтгаз” ва “Казмунайгаз” акциядорлик жамиятлари ўртасида ҳамкорлик битими.

Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтган самарали музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев оммавий ахборот воситалари вакиллари учун баёнот бердилар.

Давлатимиз раҳбари Қозоғистон Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи тарихий воқеа бўлгани ҳамда Ўзбекистон — Қозоғистон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари ривожида муҳим босқични бошлаб берганини яна бир бор катта мамнуният билан қайд этди.

Ташриф доирасида Олий давлатлараро кенгашнинг иккинчи йиғилиши бўлиб ўтди, унда икки томонлама кун тартибининг муҳим жиҳатлари муҳокама қилинди.

Иқтисодий ҳамкорлик масалаларига устувор аҳамият қаратилди. Қозоғистон Ўзбекистоннинг муҳим савдо шерикларидан бири экани таъкидланди.

Жорий йил бошидан товар айирбошлаш 15 фоизга ўсгани айтилди. “Марказий Осиё” халқаро саноат кооперацияси марказининг очилиши ташрифнинг муҳим воқеаси бўлди.

Ушбу илғор лойиҳа мамлакатларимиз ўртасидаги кооперация алоқаларини чуқурлаштириш ва замонавий қўшилган қиймат занжирларини шакллантиришга қаратилган.

Энергетика соҳасидаги ҳамкорлик, хусусан, анъанавий ва муқобил энергетика бўйича қўшма лойиҳаларни илгари суриш стратегик йўналиш сифатида белгиланди.

Томонлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва сувдан оқилона фойдаланиш соҳасида, энг аввало, Марказий Осиё минтақасида ҳамкорликни ривожлантирадилар.

Маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳим аҳамиятга эгалиги таъкидланди.

Фан ва таълим муассасалари, ижодий ва ёшлар ташкилотлари ўртасидаги алмашинувларни фаоллаштириш, туризм соҳасидаги қўшма дастурларни кенгайтиришга келишиб олинди.

Томонлар минтақавий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга интилишларини яна бир бор таъкидладилар. Шу маънода, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари муҳим ўрин тутиши қайд этилди.

16 ноябрь куни Тошкентда бўлиб ўтадиган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви минтақавий интеграция ва бутун Марказий Осиёда бирдамликни мустаҳкамлаш жараёнларига янги суръат бағишлаши алоҳида таъкидланди.

Кўп томонлама, шу жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ШҲТ, МДҲ, Туркий давлатлар ташкилоти, “Марказий Осиё плюс” форматларида ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

— Ҳурматли Қосим-Жомарт Кемелевичнинг ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги иттифоқчилик муносабатлари юксак даражада эканини яна бир бор яққол тасдиқлади, — деди мамлакатимиз етакчиси.

Якунда Президент Шавкат Мирзиёев эришилган келишувлар ва имзоланган битимлар икки томонлама шерикликни аниқ мазмун билан бойитиши, қўшма лойиҳалар учун янги уфқлар очиши, биродар давлатларнинг барқарор тараққиёти учун мустаҳкам замин яратишига ишонч билдирди.

Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи давом этмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛБОЕВ,
ЎзА мухбирлари.

Ифтихор

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ҚАРДОШЛАР

Бу дунёни асраб бўлмас кўз ёш билан,
Тонг жамоли кулиб чиққан қуёш билан,
Халқлар асли халқ бўлгайдир қардош билан,
Ўзбекман, деб санасам беш бармоғимни,
Кўрдим туркман, тожик, қирғиз, қозоғимни.

Аждодлари қондош бўлган, жондош бўлган,
Тил мулкида, дил мулкида сирдош бўлган,
Бир-бирига кўнгил берган, бардош бўлган,
Дунё билар бобомерос сабоғимни,
Ўзбек, туркман, тожик, қирғиз, қозоғимни.

Ғафур Ғулом, Турсунзода, Собит Муқон,
Айтишувда бир-биридан бўлган чаққон,
Адабиёт она бўлиб бирга туққан,
Қадрлайман қадриятим, қароғимни,
Ўзбек, туркман, тожик, қирғиз, қозоғимни.

Ойлар ойни, йиллари йилни қувиб ўтиб,
Ҳақ ёр бўлди, ҳурриятни олди кутиб.
Бир-бирини қутладилар гуллар тутиб,
Бир мушт қилсам бугун бешта бармоғимни,
Кўрдим туркман, тожик, қирғиз, қозоғимни.

Биз Марказий Осиёнинг беш бармоғи,
Бирлигидан нур олгандир дил чироғи,
Осмонида офтобланар бахт байроғи,
Қардошим, деб очганда кенг қучоғимни,
Кўрдим туркман, тожик, қирғиз, қозоғимни.

Тошкент бугун орзуларга эшик очар,
Янги давр остонаси нурин сочар,
Тўлиб оққан Амудайин қалбим тошар,
Ўздан бошлаб санасам беш бармоғимни,
Кўрдим туркман, тожик, қирғиз, қозоғимни.

Бешов ўлка маърифатдан обидланди,
Юртбошилар аҳд-вафода собитланди,
Бор дунёга тинчлик деган сўз тиланди,
Ўзбекман, деб санасам беш бармоғимни,
Кўрдим туркман, тожик, қирғиз, қозоғимни.

Ўзбекистон — Туркманистон:

БАРҚАРОР КЕЛАЖАК ЙЎЛИДАГИ ҲАМЖИҲАТЛИК

1

Икки мамлакат қардош халқлари ўртасида ўзаро ишонч, очиқлик ва бир-бирининг манфаатларини ҳурмат қилишга асосланган ноёб ўзаро таъсир формати шаклланди.

Икки томонлама мулоқотни мустаҳкамлашда ҳамкорликнинг сиёсий даражаси алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, у расмий Тошкент ва Ашхобод ўртасидаги стратегик шерикликнинг умумий йўналишини белгилайди. Икки мамлакат раҳбарларининг саъй-ҳаракатлари туфайли Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги муносабатлар сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларни қамраб олувчи кенг қамровли ҳамкорлик даражасига етди.

Олий ва юқори даражадаги мунтазам ҳамда ишончли алоқалар Ўзбекистон — Туркманистон муносабатларининг изчил ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир. Икки давлат раҳбарларининг ўзаро ташрифлари уларга долзарб икки томонлама ва минтақавий масалалар бўйича позицияларни мувофиқлаштириш ҳамда узоқ муддатли стратегик ҳамкорлик йўналишларини ишлаб чиқиш имконини беради.

Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедовнинг Ўзбекистонга бўлажак давлат ташрифи, шубҳасиз, икки мамлакат ўртасидаги ўзаро тушуниш ва амалий ҳамкорликни мустаҳкамлашда яна бир муҳим босқични белгилайди. Ташриф давомида савдо-иқтисодий, гуманитар ва маданий ҳамкорликни ривожлантириш, транспорт ва логистика алоқаларини кенгайтириш истиқболларини муҳокама қилиш режалаштирилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Туркманистон БМТ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, МДҲ, ШҲТ ва Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти каби глобал ҳамда минтақавий ташкилотлар доирасида фаол ҳамкорлик қилмоқда. Мамлакатлар кўплаб халқаро ва минтақавий муаммоларни, жумладан, Марказий Осиёда тинчлик, хавфсизлик ҳамда барқарор ривожланишни таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда ўхшаш ёндашувларга эга.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилган Марказий Осиё давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари сиёсий мулоқотда алоҳида ўрин тутади. Ушбу формат ўзаро тушунишни мустаҳкамлаш ва минтақавий ҳамкорликнинг асосий масалаларига мувофиқлаштирилган ёндашувларни ишлаб чиқиш учун самарали платформага айланди. Туркманистоннинг ушбу учрашувларда қатнашиши Марказий Осиё минтақасини тинчлик, барқарорлик ва фаровонлик ҳудуди сифатида ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Икки мамлакат ўртасидаги идораларо ҳамкорлик сезиларли даражада фаоллашди. Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида мунтазам равишда сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказилиб, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар, шунингдек, эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича амалий чоралар муҳокама қилинмоқда.

Парламентлараро алоқалар самарали ривожланмоқда. Икки мамлакат парламент делегациялари халқаро парламент тузилмалари доирасида яқиндан ҳамкорлик қиляпти. Бу борадаги муҳим йўналиш қонунчилик бўйича тажриба алмашинуви, шунингдек, тегишли парламент қўмиталари ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг фаоллашишидир.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик барқарор суръатни намойиш этди. Савдо айланмасини кенгайтириш, экспорт ва импорт тузилмаларини диверсификация қилиш ҳамда инвестиция шерикликларини ривожлантириш бўйича изчил саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Иқтисодиётнинг асосий тармоқларида ҳамкорликни чуқурлаштириш учун асос яратган Стратегик шериклик тўғрисидаги битимнинг имзоланиши сезиларли туртки бўлди.

Бугунги кунда энергетика, транспорт, сув ресурслари, кимё саноати, қишлоқ хўжалиги ва тўқимачилик соҳаларида қўшма лойиҳалар фаол амалга оширилмоқда. Чегараларо ҳамкорликни ривожлантириш ва чегара ҳудудларида янги ишлаб чиқариш кластерлари ҳамда логистика марказларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу нуқтаи назардан, “Шавот — Тошовуз” чегара савдо зонасининг яқинда ишга туширилиши алоҳида аҳамиятга эга, чунки бу икки қардош давлат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кучайтиради.

Томонлар божхона ва транзит тартибларини соддалаштириш ҳамда Марказий Осиёни Форс кўрфази, Кавказ ва Европа билан боғлайдиган транспорт йўлакларидан фаол фойдаланишга интиляпти. Ўзбекистон ва Туркманистон транспорт ҳамда логистика соҳасида, жумладан, автомобиль ва темир йўл йўналишларини ривожлантириш, шунингдек, Каспий денгизидаги Туркманистон денгиз портларидан биргаликда фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик қилиш учун катта салоҳиятга эга.

Томонлар энергетика ва сув ресурсларини бошқариш йўналишида қўшма ташаббусларни амалга оширишга катта аҳамият беради ҳамда ўзаро ҳурмат, яхши қўшничилик тамойиллари асосида трансчегаравий ресурслардан оқилона ва тенг фойдаланишни қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон — Туркманистон шериклигининг муҳим таркибий қисми икки халқ ўртасидаги анъанавий дўстлик ва маънавий ришталарни мустаҳкамлашга хизмат қилаётган маданий-гуманитар ҳамкорликдир. Маданият кунлари, рассомлар иштирокида кўргазмалар, театр ва санъат фестиваллари мунтазам равишда ўтказиляпти. Таълим ва илмий дастурлар фаол амалга оширилмоқда, талабалар ва академик алмашинувлар сони ортиб бормоқда.

Ўзбекистонда буюк туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули Фироғийнинг юбилейини кенг нишонлаш муҳим воқеа бўлди. Унинг ижоди минтақа халқларини бирлаштиради ва маънавий қардошлик, инсонпарварлик ҳамда ўзаро ҳурмат рамзи бўлиб хизмат қилади. Мамлакатимизнинг турли шаҳарларида ўтказилган тадбирлар Ўзбекистон ва Туркманистон маданий мероси ўртасидаги узвий боғлиқликни намоён этди.

Туризм соҳасидаги алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Иккала мамлакат ҳам бой тарихий ва маданий салоҳиятга, ноёб меъморий ёдгорликларга ва табиий жойларга эга. Қўшма сайёҳлик йўналишларини, хусусан, Буюк Ипак йўлининг тарихий марказлари бўйлаб ривожлантириш гуманитар алоқалар ва минтақаларо ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун янги имкониятлар очади.

Ўзбекистон ва Туркманистон тарихий алоқалар, маданий яқинлик ва ўзаро ишончга таяниб, стратегик шерикликни ишонч билан ривожлантирмоқда. Сиёсий мулоқотнинг изчил ривожланиши, иқтисодий ҳамкорликнинг ўсиб бориши ва гуманитар алоқаларнинг кенгайиши икки мамлакатнинг ҳар томонлама ҳамкорликни чуқурлаштиришга бўлган умумий садоқатини акс эттиради.

Шу нуқтаи назардан, Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедовнинг Ўзбекистонга бўлажак давлат ташрифи икки томонлама муносабатларга янги туртки бериш, уларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш ва келгусидаги ҳамкорлик учун истиқболли йўналишларни белгилашга қаратилган. Ушбу саммит нафақат биродарлик ва дўстлик рамзи, балки Марказий Осиёда барқарорлик, ўзаро тушуниш ва фаровонликни мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадам бўлади.

«Дунё» АА.

Брюссель ташқи сиёсий ваколатхоналари тармоғини қайта кўриб чиқиш доирасида Тошкентда янги элчихона очишни режалаштирмоқда.

Акс садо

ЭЗГУ ҒОЯНИНГ ҲАЁТИЙ ИФОДАСИ

Бугун луғатимизда “Ўзбекистон ташаббуслари” деган ибора пайдо бўлди. Бу тушунча тинчлик, ишончли ҳамкорлик, яқин қўшничилик маъносида дунё халқлари тилида ҳам жаранглямоқда.

Ҳақиқатан ҳам, Марказий Осиёнинг янги даврга қадам ташлагани, минтақавий тинчликнинг барқарорлашгани, аввало, Ўзбекистон етакчисининг халқпарвар, узоқни кўзлаган адолатли прагматик сиёсати натижасидир. Дунё шитоб билан ўзгараётган, турли минтақалардаги низолар тинчлик ва хавфсизликка жиддий таҳдид солаётган бир пайтда Ўзбекистон ҳар қандай зиддиятни фақат дипломатия, музокара, тинчлик йўли билан ҳал этишнинг қатъий тарафдори эканини таъкидлаб келмоқда. Бу соҳадаги амалий қадамларнинг самараси эса кўзга яққол ташланяпти.

Дўстлик, тотувлик, хайрли муносабатлар минтақада фаровон ҳаёт кечиришнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқдаки, бундан, биринчи навбатда, шу юртнинг одамлари наф кўряпти. Ўзгаришлар, янгиланишлар улар ҳаётида акс этмоқда. Яхши қўшничилик муносабатлари, чегараларнинг очилиши ва назорат-кириш пунктларининг ташкил қилиниши Марказий Осиё давлатлари билан конструктив мулоқот натижасида амалга ошди.

Амалий ҳаракатлар, келажак учун масъулият, яхши қўшничилик, дўстлик ва ўзаро манфаат тамойилларига содиқлик мана шу муҳитни пайдо қилди. Рамзий маънода айтганда, яқин йилларгача қўшни давлатлар билан орада пайдо бўлган кўринмас деворлар ўрнини кўприклар эгаллади.

Агар эътибор қилсак, бу кўприкнинг тамал тошлари Президентимиз мамлакат раҳбари бўлиб иш бошлаган биринчи кунларда қўйилганига гувоҳ бўламиз. Давлатимиз раҳбарининг биринчи сафарини эслайлик. Жуда кўпчилик, хорижий экспертлар ҳам, шубҳасиз, янги давлат раҳбари ўзининг илк давлат ташрифини ривожланган мамлакатлардан бошлашини тахмин қилган эди. Президентимиз эса биринчи давлат ташрифини 2017 йил март ойида қўшни Туркманистон Республикасига амалга оширди. Ҳеч эсимдан чиқмайди, Халқаро хотин-қизлар байрами куни тантанасида ташрифларини эълон қилиб, Ўзбекистон оналаридан дуо олган эди. Демак, биринчи кунданоқ Марказий Осиё — Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатдаги энг устувор йўналиши деб белгиланган. Бу бежиз эмас эди. Чунки қатор муаммолар ўз ечимини кутар, уларни эса фақат оқилона стратегик ҳамкорлик муносабатлари туфайлигина ҳал этиш мумкин эди.

Биринчи марта 2018 йилда Президентимизнинг ташаббуси билан Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви Остона шаҳрида бошланган эди. Айнан ўша ташаббус туфайли мамлакат етакчиларининг самарали мулоқоти бир неча йилдан буён мунтазам ва изчил ўтказиб келинмоқда.

Натижада қисқа вақт мобайнида минтақада мутлақо янги сиёсий муҳит яратилди. Бу хавфсизлик, барқарор ривожланишни таъминлашга хизмат қилиб келаётган қатор ташаббус-тадбирларга йўл очди.

Айни кунларда ҳам Тошкент Марказий Осиё етакчиларининг навбатдаги саммитига мезбонлик қиляпти. Ушбу нуфузли мулоқот минтақавий бирдамликни янги босқичга олиб чиқиши, ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга хизмат қилиши, шубҳасиз. Президентимиз бир неча йил илгари “Марказий Осиё — бизнинг умумий уйимиз!” деб эълон қилган эди. Мазкур нуфузли анжуман ана шу ғоянинг амалий ифодаси сифатида минтақа давлатларини янада жипслаштиради.

Комила КАРОМОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ДУНЁГА ЎРНАК БЎЛАЁТГАН СИЁСАТ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Тошкентда бўлиб ўтаётган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашуви олдидан эълон қилинган “Марказий Осиё янги давр остонасида” номли дастурий мақоласида сув ресурслари билан боғлиқ масалага ҳам алоҳида эътибор берилгани бежиз эмас. Айнан ушбу масала ҳам минтақа давлатлари ўртасида турли ихтилофларга сабаб бўлаётган эди.

Маълумки, Марказий Осиё давлатлари бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган умумий сув ресурсларига эга. Биргина Ўзбекистоннинг ўзи 80 фоиз сувни ташқаридан олади. Қозоғистон ва Туркманистон ҳам қўшни давлатлардан оқиб келадиган Амударё ва Сирдарё суви билан боғланган. Демак, юқорида жойлашган давлатларда сув билан боғлиқ ҳар қандай ўзгариш қуйидаги мамлакатларга таъсир этмасдан қолмайди. Шу боис азалдан қўшни бўлган давлатлар ўртасида ушбу масалани ҳал этмай туриб, минтақада барқарор тинчлик ва тараққиётни кафолатлаб бўлмайди.

Бу масаланинг стратегик аҳамиятини Ўзбекистон мисолида кўрадиган бўлсак, мамлакатимизда сувнинг 90 фоиздан ортиғи қишлоқ хўжалигига сарфланади. Етарлича сув бўлмас экан, энергия, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, табиат софлигини сақлаш ҳақида гапириш бефойда.

Мамлакатимиз аҳолиси яқин йилларда 40 миллионга етади. Албатта, бу табиий равишда сувга бўлган эҳтиёжни ҳам бир неча баробар оширади. Масалан, аҳолимизнинг ичимлик сувига талаби 2030 йилга бориб 2,3 миллиард куб метрдан 3 миллиард куб метрга етиши кутиляпти. Қолаверса, саноат ва энергетика соҳалари ривожланиб, йиллик сув истеъмоли 1,9 миллиард куб метрдан 3,5 миллиард куб метрга етади.

Иқлим ўзгариб, сувнинг асосий манбаси ҳисобланган музликларнинг катта тезликда эриши натижасида асосий дарёларда йилдан-йилга сув камайиб бораётгани ҳам ушбу масаланинг нақадар долзарблигини кўрсатади. Яъни минтақа давлатлари ўртасида сув ресурслари бўйича очиқ ва манфаатли келишувлар тузилмас экан, минг йиллар давомида кўни-қўшни бўлиб яшаган халқлар ўртасида ҳақиқатан ҳам зиддиятлар пайдо бўлиши тайин эди.

Албатта, буларнинг барчаси қўшни давлатлардан янада ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилишни тақозо этаётган эди. Шу жиҳатдан, бугунги кунлардаги ҳамкорлигимизни мустаҳкамлаш шунчаки сиёсий мақсад эмас, балки стратегик заруратдир.

Давлатимиз раҳбарининг мақоласида қайд этилганидек, айнан Маслаҳат учрашувлари формати йўлга қўйилгач, минтақавий ҳамкорлик тарихида туб бурилиш ясалди. Марказий Осиё етакчилари кўп йиллар мобайнида биринчи марта ташқи воситачиларсиз тизимли ва мунтазам мулоқотни бошлади ҳамда бу ишончга, очиқлик ва умумий манфаатларни англашга асосланган янгича сиёсий тафаккур рамзига айланди. Маслаҳат учрашувлари доирасидаги мулоқотлар орқали ўзаро ихтилофларга сабаб бўлиши мумкин саналган қатор келишмовчиликларни бартараф этиш ва ишончсизликдан ҳақиқий ҳамкорликка ўтишга эришилди. Буни нафақат Марказий Осиёнинг, балки бутун дунёнинг ютуғи сифатида баҳоласак тўғри бўлади. Зеро, давлатларнинг, минтақа ҳамда қитъаларнинг тинчлиги ва тараққиёти дунёнинг тинчлиги ҳамда тараққиётидир.

Нигора ЛУТФУЛЛАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ЭКОЛОГИК МУВОЗАНАТНИ ТАЪМИНЛАШ – УСТУВОР ВАЗИФА

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги стратегик ҳамкорлик нафақат икки мамлакат, балки бутун Марказий Осиё минтақаси учун истиқболли, барқарор ва “яшил” тараққиёт йўлини белгиламоқда.

Ушбу музокаралар давомида саноат, логистика, қўшма инвестиция лойиҳаларига катта эътибор берилмоқда. Транспорт йўлакларини диверсификация қилиш ҳамда инфратузилмани такомиллаштириш сиёсати бугунги кунда янада самарали бўла бошлади. Бу, ўз навбатида, товар ишлаб чиқариш, савдо ялпи ҳажмини кўпайтириш ва минтақада иқтисодий интеграцияни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда транспорт-логистика тизимини жадал ривожлантириш, юк ташишда рақобатбардош янги йўлаклар очиш борасидаги фаол ишлар 2025 йилда алоҳида суръат билан олиб бориляпти. Бу эса иқтисодий транспорт алоқаларини мустаҳкамлаш ва минтақавий савдо ҳамкорлигини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида ўзига хос ҳамкорлик кучаймоқда. Бу “яшил” иқтисодиёт, қайта тикланувчи энергия манбалари ва сув ресурсларининг оқилона бошқарилиши йўлидаги қадамлардир.

2025 йил Ўзбекистонда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилингани ҳам бежиз эмас. Стратегик мақсад иқтисодий ўсиш билан бирга, атроф-муҳитни муҳофаза этишни чуқурлаштириш ҳамдир.

Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида сув ҳамда энергия тизимларини бошқариш бўйича фаол мулоқот олиб борилмоқда. Жорий йилда бўлиб ўтган учрашувларда қувват тармоқларининг иш режимлари ҳам мувофиқлаштирилди, бу эса барқарор энергия таъминотида муҳим аҳамиятга эга.

Президентлар — Шавкат Мирзиёев ва Қосим-Жомарт Тоқаевнинг музокаралари стратегик ёндашувни намоён этмоқда: улар нафақат миллий манфаатлар, балки минтақавий барқарорлик ва ҳамкорликнинг умумий истиқболини қамрамоқда.

Қозоғистон билан ривожланаётган тўлиқ миқёсдаги шериклик — бу нафақат иқтисодий имконият, балки сиёсий ва экологик масъулият. Шу ҳамкорлик орқали Ўзбекистон иқтисодиёти янги, юқори аҳамиятли лойиҳалар, саноат кооперацияси ва инвестициялар билан бойитиляпти, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўлидаги сиёсатимиз кучаймоқда ҳамда Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва изчиллик йўлида муҳим одимлар ташланмоқда.

Бундай узоқни кўзлаб амалга оширилаётган амалий қадамлар, Президентларимиз эришган келишувлар ва имзоланган битимлар ўз натижасини бериб, мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик янада мустаҳкамланади.

Анвар ТУЙЧИЕВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

АЗАЛИЙ ДЎСТЛИК ВА ИШОНЧНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ

Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев ўртасидаги самарали музокаралар мамлакатлараро азалий дўстлик ва стратегик ишончнинг ёрқин намунаси бўлди. Қозоғистон Президентининг бу сафари ўзаро иттифоқчилик муносабатларимиз тараққиётида тарихий воқеа сифатида янги даврни бошлаб берди.

Ташриф доирасида ўтказилган Олий давлатлараро кенгашнинг иккинчи йиғилишида икки томонлама кун тартибининг энг муҳим масалалари атрофлича муҳокама этилди. Айниқса, иқтисодий ҳамкорлик, савдо айланмаси ва саноат кооперациясини янада чуқурлаштириш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, жорий йил бошидан товар айирбошлаш 15 фоизга ўсиб, қарийб 4 миллиард долларга етмоқда. Бу рақамлар ўзаро ҳамкорликнинг амалий ва истиқболли эканини яққол кўрсатади. 2030 йилга бориб ўзаро товар айланмаси ҳажмини 10 миллиард долларга етказиш бўйича аниқ режалар ва механизмлар қабул қилингани эса давлатларимиз ўртасидаги ўзаро ишонч ва прагматик ёндашувнинг ёрқин ифодасидир.

Тошкентда очилган “Марказий Осиё” халқаро саноат кооперацияси маркази икки томонлама иқтисодий ҳамкорликнинг янги моделини шакллантиришда катта аҳамиятга эга. Шу билан бир қаторда, умумий қиймати 1,3 миллиард долларлик янги лойиҳаларга старт берилгани, транспорт логистикаси ва энергия соҳасидаги қўшма ташаббуслар келгуси йилларда ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлайди.

Атроф-муҳит, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, маданий-гуманитар алоқалар, фан, таълим ва ёшлар соҳасидаги ҳамкорлик масалаларининг кенг қамраб олиниши — мазкур мулоқотнинг яна бир муҳим жиҳати бўлди.

Шу кунларда бўлиб ўтаётган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви минтақамиздаги янада яқин ҳамкорлик ва интеграция жараёнларига кучли туртки беради, албатта. Зеро, минтақавий барқарорлик ва ўзаро қўллаб-қувватлаш бугунги бекарор дунёда стратегик аҳамият касб этмоқда.

Қосим-Жомарт Тоқаевнинг мамлакатимизга давлат ташрифи Ўзбекистон ва Қозоғистон — нафақат қўшни ва стратегик шерик, балки бир-бирига таянган, истиқболга бирга интилувчи яқин давлатлар эканини яна бир бор исботлади.

Президентларимиз томонидан эришилган келишувлар, имзоланган битимлар ва юзлаб қўшма лойиҳалар халқларимиз фаровонлиги, минтақанинг барқарор тараққиёти учун мустаҳкам замин яратишига шубҳа йўқ.

Кобул ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

МУШТАРАК ИНТИЛИШЛАР САМАРАСИ

Маданияти, дини, урф-одат ва қадриятлари яқин бўлган Марказий Осиё давлатлари бугун нафақат азалий алоқаларини қайта тиклади, балки халқаро ҳамжамиятга ўзаро ишонч, яхши қўшничилик ва ҳурмат асосига қурилган ягона субъект сифатида ўзини намоён қилмоқда. Содда айтганда, қардош давлатлар ички ва ташқи сиёсатда том маънода янги, тарихий аҳамиятга молик босқичга қадам қўймоқда.

Бугун геосиёсий вазият издан чиқиб, хатарлар кучайган, бир минтақада, ҳатто ён қўшнилар ўртасида зиддиятлар пайдо бўлиб, иқтисодий алоқалар занжири узилган шароитда Марказий Осиё давлатларининг ҳар жиҳатдан бирлашуви, шубҳасиз, нотинч дунёга намуна бўлмоқда.

Халқимизнинг “Ён қўшнинг — жон қўшнинг”, деган пурмаъно ҳикмати ҳақиқий маънода ўз ифодасини топяпти. Зеро, Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Марказий Осиё янги давр остонасида” номли мақоласида таъкидлаганидек, қўшничилик — хавф эмас, имконият, бир тарафнинг муваффақияти — барчанинг ютуғидир.

Бир пайтлар бизни ажратиб турган чегаралар бугун дўстлик ва ҳамкорлик кўпригига айланди. Қўшни халқлар яна борди-келдиларини тиклаб, яхши кунларини бирга нишонлаяпти. Қудаандалигини давом эттиряпти. Муаммоларини ҳамжиҳатликда, бамаслаҳат ҳал қиляпти. Янги ўтказиш пунктлари очилди, авиа ва темир йўл, автобуслар қатнови йўлга қўйилди. Энг муҳими, қардош халқлар минтақада бўлаётган барча ижобий ўзгаришларни ўзларининг кундалик ҳаётида ҳис этяпти. Биргина натижа: минтақа мамлакатларининг умумий сайёҳлик оқимида ички минтақавий туризмнинг улуши 80 фоиздан ошди.

Марказий Осиё давлатлари ўз жадал тараққиётининг янги босқичига қадам қўяётган бир пайтда иқлим ўзгариши, энергетика, сув ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, рақамли технологияларни ривожлантириш билан боғлиқ қатор масалалар пайдо бўлдики, уларни ҳам биргаликда ҳал қилиш бугун устувор аҳамият касб этмоқда. Тошкентда ўтаётган минтақа давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашуви айнан юқоридаги масалаларга ечим вазифасини ўташда ҳам муҳим ўринга эга бўлади.

Зотан, Президентимизнинг саммит олдидан эълон қилинган дастурий мақоласида қайд этилганидек, бугун Марказий Осиёни кенг минтақамизда яшаётган барча миллат ва халқлар учун ягона тинчлик, фаровонлик ва тараққиёт маконига айлантирадиган ушбу тарихий суръатни сақлаб қолишимиз ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

Абдулҳаким ЭШБОЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

МАҚСАДЛИ ИНДИКАТОРЛАР ИЖРОСИ ВА ТАҲЛИЛИЙ НАТИЖАЛАР

Маълумки, “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси вазирлик ва идораларнинг республика бюджетидан ажратиладиган бюджет маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги, шунингдек, ривожлантириш дастури мақсадли индикаторларининг бажарилиш ҳолати ҳақидаги ҳисоботларини эшитишни амалга оширади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси мажлисида мазкур Қонунда белгиланган талабларидан келиб чиқиб, Адлия вазирлиги томонидан 2025 йилнинг 9 ойи давомида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришилиши ҳамда маблағларнинг сарфланиши юзасидан вазирлик ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида вазирлик томонидан 225,8 млрд. сўм маблағ ёки 2025 йилда белгиланган режадагига нисбатан 69,0 фоиз маблағ ишлатилган.

Мажлисда вазирликка юкланган 18 та мақсадли кўрсаткичнинг ҳар бирига тўхталиб, бажарилиши кечикаётган кўрсаткичлар бўйича масъулларнинг ахбороти эшитилди.

Шунингдек, жорий йилнинг 9 ойи давомида адлия органлари ва муассасалари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш, уларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш юзасидан амалга оширилаётган ишларнинг натижалари ҳам таҳлил этилди.

Мазкур масала бўйича депутатлар ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирди. Мурожаатларни мазмунан кўриб чиқиш, уларни ваколатли органларга тўғри йўналтиришда аҳолининг ҳуқуқий билимини ошириш муҳим аҳамият касб этиши, вазирликнинг “1008 — ишонч телефони” орқали мурожаатларни қабул қилиш имкониятларини кенгайтириш, бу жараёнда сунъий интеллект технологияларидан кенг фойдаланиш зарурлиги ҳам таъкидланди.

Эшитув якунида кун тартибидаги масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ТАРАҚҚИЁТГА ҚАРАТИЛГАН ТАКЛИФ ВА ТАШАББУСЛАР

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида 13 ноябрда бошланган “Марказий Осиё: умумий маънавий-маърифий мерос — умумий келажак” мавзуидаги халқаро конгресс якунига етди.

Форум

Форум давомида олимлар, санъатшунослар ва таълим соҳаси вакиллари ўртасида кенг мулоқот ташкил этилди. Унда умумий тарихий меросни асраш, замонавий ҳамкорлик шаклларини излаш, маънавият ғояларини мустаҳкамлаш ва бошқа шу каби муҳим масалалар муҳокама қилинди. Жумладан, исломнинг маърифий миссияси, ёшларни бағрикенглик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, замон талабларига мос диний таълим тизимини такомиллаштириш масалалари ўртага ташланди. Қадимий қўлёзмаларни ўрганиш ва археология ҳамда тарих соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, музей фаолиятини рақамлаштириш, экспозиция яратишда замонавий ёндашувларни жорий этиш ва профессионал тажриба алмашиш ташаббуслари ҳам кўриб чиқилди.

Шунингдек, миллий киноагентликлар раҳбарлари билан бўлиб ўтган муҳокамаларда кино санъатини ривожлантириш, буюк тарихий шахсиятлар ва маданий мерос ҳақида ҳамкорликда фильмлар яратиш ҳамда ёш режиссёрларни қўллаб-қувватлаш бўйича келишувларга эришилди. Адабий алоқаларни мустаҳкамлаш, бадиий таржима мактабларини қайта тиклаш ва ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ташаббуслари илгари сурилди.

Юртимизда қизғин руҳда ўтказилган мазкур халқаро анжуман минтақанинг тарихий бирлигини, маданий меросининг бойлиги ва маърифий салоҳиятини яна бир бор намоён қилди. Таклиф этилган ғоя ва ташаббуслар барқарор тараққиёт, ўзаро ҳурмат ва маънавий юксалиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Сўз — анжуман иштирокчиларига

Лачин НУРМУҲАММЕДОВА,
Туркманистон Республикаси Миллий кутубхонаси ҳузуридаги Республика маданият маркази директори:

— Ушбу нуфузли тадбир нафақат илмий муҳокама, балки қардош халқлар ўртасидаги самимий мулоқот анжумани бўлди. Биз — Марказий Осиё халқлари тарихан бир илдиздан озуқа олиб келмоқдамиз. Бугун ана шу маънавий боғланишни янги замон талабларига мос равишда мустаҳкамлаш ҳар биримиз учун шарафли вазифадир.

Форум давомида маданий меросни асраш ва замонавий усулларда тақдим этиш масалалари юзасидан қимматли фикрлар алмашдик. Хусусан, Туркманистон билан Ўзбекистон музейлари, кутубхоналари ва илмий марказлари ўртасида рақамлаштириш, қўлёзмаларни электрон форматда тадқиқ қилиш ҳамда археологик топилмаларни ўзаро тақдим этиш бўйича ҳамкорлик имкониятлари муҳокама қилинди. Фикримча, бу каби ташаббуслар нафақат маданий яқинликни кучайтиради, балки ёш авлод онгида умумий тарих ва ягона маънавият туйғусини мустаҳкамлайди.

Фархад ГУЛИЕВ,
Озарбайжон Фанлар академияси миллий институти директори:

— Ўзбекистон Президентининг бундай лойиҳага қўл ургани мамлакат тарихида янги бир Ренессанс даврига қадам қўйилаётганининг ифодасидир. Бу жараёнда қатнашишимиз, мана шундай улкан ишларда бир қардош давлат сифатида ҳиссамиз қўшилиши бизни ҳам бениҳоя мамнун этмоқда.

Ўзбекистон заминида яшаб ўтган улуғ сиймолар айни пайтда бизнинг ҳам улуғ аждодларимиздир. Шу боис тарихий меросни тадқиқ қилиш, ўрганиш ишларида кўмакдош бўлишни бурчимиз деб биламиз. Бу борада янги насл, яъни ёш авлодларимиз ҳамфикр бўлиши, мазкур мавзулар доирасида чуқур изланишлар олиб бориши зарур. Бугун ёшларнинг мана шундай интилишларига катта эҳтиёжимиз бор. Ўзбек, озарбайжон, турк, қирғиз, қозоқ, туркман ёшлари, гарчи турли ўлкаларда яшасалар-да, бир маданиятга мансуб эканликларини идрок этишлари лозим. Бу масалада ушбу марказнинг роли буюк ва биз бунга дастак бўлишга доим тайёрмиз.

Фарҳод МАҚСУДОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Миллий археология маркази директори, тарих фанлари доктори, профессор:

— Марказий Осиё минтақаси ҳам жуғрофий, ҳам тарихий жиҳатдан яхлит ўлка саналади. Бугунги кунда сиёсий томондан олтита давлатга бўлиниб кетган бу ҳудуд қадимдан ўзининг географик бирликлари — чўллари, тоғлари, дарёлари, даштлари, унда яшаган инсонлари билан ягона бир маданий диёр бўлган. Турли сабабларга кўра мазкур минтақа бўлиниб кетганига қарамай, унда яшаган элатлар бир-бири билан тарихий тақдирни, тилларни, динларни, маданиятларни ўртоқлашган. Агар Марказий Осиё бугунги кунда жаҳон кўламида ўзининг сўзини мустаҳкам сўзлай оладиган минтақа ўлароқ чиқса, дунё сиёсий саҳнасида ўз ўрнини эгаллайди, овози янада баландроқ янграйди. Ўзбекистон ҳукумати ва ёнатрофдаги қўшни давлатлар бу заруратни тўғри тушунган ҳолда маданий, маърифий жиҳатдан ўзаро интеграциялашув устида иш олиб бормоқда.

Президентимиз ташаббуси билан бир неча йиллардан буён йирик мажмуа — Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини барпо қилиш устида иш олиб борилди. Кўплаб олимлар, тарихчи археологлар, санъатшунослар, адабиётшунослар қизғин меҳнат қилишди. Мана шу муҳташам мажмуада ўтказилган ушбу анжуманда бутун Марказий Осиё ва Озарбайжондан ҳукумат вакиллари, йирик олимлар, мутахассислар қатнашди. Биргаликдаги муҳокамаларда ўлкаларимиз маданий, тарихий ва географик жиҳатдан яхлит бўлгани илмий жиҳатдан яна бир бор исбот этилгани, ўйлайманки, анжуманнинг энг катта ютуғидир.

Ғолиб БАҲРОМОВ
(«Халқ сўзи»).

«Қамчиқ» ва «Дарбанд» довонларидан ўтган темир йўллар учун Жанубий Кореядан тезюрар поездлар харид қилинади.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2025 йил 16 ноябрь

Глобал рақобат муҳитидаги дадил қадамлар

Яқинда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек туманида жойлашган IT-паркка ташриф буюриб, лойиҳанинг иккинчи босқичига тамал тоши қўйиш маросимида иштирок этгани мамлакатимизда ахборот технологиялари (IT) соҳасига қаратилаётган улкан эътиборнинг яна бир ёрқин далили бўлди.

Нуқтаи назар

Соҳани ривожлантиришнинг аҳамияти

Ўзбекистонда сўнгги йилларда ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси, IT таълим муассасаларининг кўпайиши, солиқ имтиёзлари ва бошқа чоратадбирлар соҳани жадал ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Бу каби ташаббуслар Ўзбекистонни минтақавий рақамли марказга айлантиришга қаратилган узоқ муддатли стратегиянинг бир қисмидир.

Мазкур соҳанинг жадал ривожланиши Ўзбекистон учун қатор стратегик аҳамиятга эга. Биринчидан, бу иқтисодиётни диверсификация қилиш, нефть-газ ва пахта каби хомашёга қарамликни камайтириш имкониятини беради. Иккинчидан, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулот ва хизматлар экспортини ошириш орқали валюта тушумларини кўпайтиради. Учинчидан, янги, юқори даромадли иш ўринларини яратади ва ёшларнинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлайди. Ниҳоят, IT мамлакатнинг рақамли трансформациясининг асоси бўлиб, давлат бошқаруви, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа соҳаларда самарадорликни оширади.

Очиғини айтганда, бугун дунёда сунъий интеллектдан (СИ) фойдаланиш борасида кескин кураш бормоқда. Сўнгги ўн йилликда жаҳон инвестицияларининг сунъий интеллект соҳасига йўналтирилган ҳажми 2014 йилдаги 8 миллиарддан 2024 йилда 110 миллиард долларгача ўсди.

Бугун қайси соҳада бўлмасин, ким бу жараёнда қаттиқ изланиб, бир қадам олдинда юрса, марра шуники бўлиши тобора ойдинлашмоқда.

Изчиллик — давр талаби

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда IT йўналишида тизимли ислоҳотлар амалга оширилиб, соҳанинг ҳуқуқий базаси мустаҳкамланмоқда. Тармоқ ривожига оид қонун ва қарорлар қабул қилиняпти. Кадрлар тайёрлаш тизими такомиллаштирилаётир. Олий ўқув юртларида СИ бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди. Хорижий экспертлар жалб қилиниб, халқаро тажриба ўрганилмоқда. Инфратузилма ривожлантирилмоқда. Давлат хизматлари, банк-молия, жамоат хавфсизлиги, транспорт каби йўналишларда 30 дан ортиқ пилот лойиҳалар ишга туширилган. Ўтган йили сунъий интеллектни 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияси тасдиқланди.

Рақамли технологиялар вазирлигида мазкур соҳа билан ишлайдиган алоҳида марказ ташкил этилди. Мамлакатимизда замонавий маълумотларни қайта ишлаш марказлари қуриляпти ва интернет тармоғи кенгайтирилмоқда. Рақамли ҳукумат платформаси орқали давлат органлари ўртасида маълумотларнинг инсон омилисиз алмашинуви йўлга қўйилди. Стартапларга ўзининг дастурий маҳсулотини Рақамли ҳукумат платформасига интеграция қилиб, ундаги маълумотлардан фойдаланишга рухсат берилди. Қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни оширишга эришилди. Соғлиқни сақлаш соҳасида ташхис қўйиш сифати яхшиланмоқда. Стартап-экотизим яратилиб, ёш тадбиркорларни СИ соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишга жалб этиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида стартап-акселераторлар ва бизнес-инкубаторлар ташкил қилинмоқда.

Албатта, эришилган натижалар билан чекланиб қолинса, рақобатда ортда қолиб кетиш мумкин. Бу йўлда изланишларни изчил давом эттириш — давр талаби. Шу боис давлатимиз раҳбари IT-паркка ташрифи чоғида соҳани янада ривожлантириш борасида долзарб таклифларни илгари сурди. Аввало, эндиликда вазирлар ва тармоқ раҳбарларининг рақамлаштиришга масъул ўринбосарлари бир вақтнинг ўзида соҳада сунъий интеллектни ривожлантиришга ҳам жавобгар бўлади. Шаҳар ва туманларда ҳам ҳокимларнинг рақамлаштириш ва сунъий интеллект бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий қилинади. Барча вазирлик ва ҳокимликларга ўз тузилмасида сунъий интеллектни ривожлантириш билан шуғулланадиган алоҳида бўлинма ташкил этиш ва уларнинг олдига, аввало, иш самарадорлиги ва хизмат сифатини ошириш, ортиқча харажат, “яшириН иқтисодиёт” ва бюрократияни қисқартириш каби масалаларга ечим топиш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб бериш топширилди.

Юқори кўрсаткичга эришган, хорижий тилларни биладиган, технологик билими кучли 100 нафар мутахассис АҚШ, Сингапур, Япония, Европа давлатларига олти ойлик ўқув курсларига юборилади. Келгуси йилдан вазирлик ва ҳудудларда сунъий интеллектни жорий этиш ҳолатини баҳолайдиган рейтинг тизими ишга туширилади.

Дунёда “ақлли” технологияларга талаб тобора ортиб бораётган бир пайтда, рақобатдош бўлиш учун 3 та энг асосий масала — инфратузилма, очиқ маълумотлар ва кадрлар тайёрлашга эътибор янада кучайтирилади. Кейинги йили соғлиқни сақлаш, энергетика, банк-молия, божхона-солиқ, транспорт, тоғ-кон ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида сунъий интеллект бўйича 100 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган.

СИни ривожлантириш фақат замонавий инфратузилма ва алгоритмларга эмас, балки малакали кадрларга ҳам боғлиқ. ***“Бу соҳанинг асоси — математика ва информатика. Шу боис, кадрлар тайёрлашни энг аввало мактабдан бошлаш керак”***, деди Президентимиз. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, кейинги ўқув йилидан Информатика фани ўқув дастурларига сунъий интеллектга оид мавзулар киритилади. Бунинг учун Массачусетс технологиялар институти билан ҳамкорликда махсус дарслик ишлаб чиқилади. “Бир миллион дастурчи” лойиҳасининг мантиқий давоми сифатида “Бир миллион сунъий интеллект етакчиси” лойиҳаси ҳам бошланди.

Бу саъй-ҳаракатлар ортида улкан мақсадлар бор. Ўзбекистон 2030 йилга бориб, сунъий интеллект бўйича “ТОП — 50”таликка киришни мақсад қилган. Шу боис илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, “Сунъий интеллект альянси”га асос солинади. Ушбу альянс таркибига соҳада самарали фаолият юритаётган етакчи компаниялар, хорижий экспертлар, йирик давлат корхоналари, банклар ва олийгоҳлар киритилади. Альянснинг асосий вазифалари етакчи халқаро илмий-тадқиқот марказлари ва акселераторлар билан ҳамкорликни кучайтириш, ўзимиздаги дастурлар бўйича медиаконтент яратиб, халқаро PR кампанияларни ташкил этиш, маҳаллий корхоналар ва мутахассисларнинг халқаро кўргазма, форум ва конференциялардаги иштирокини таъминлашдан иборат бўлади.

Келажак технологияси

Ўзбек тилидаги адабиётлар, маълумотлар, мақолалар, ҳисоботлар, илмий ишларнинг аксарияти рақамлашмаган, электрон шаклга ўтказилганлари ҳам ҳар хил манбаларда сақланмоқда. Вазирлар Маҳкамасига барча вазирлик ва идоралар маълумотларини электрон форматга ўтказиш жадвалини тасдиқлаш, Рақамли технологиялар вазирлигига сунъий интеллект миллий маданиятимиз ва қадриятларимизни ўзида ифодалай олиши учун “Ўзбек тили корпуси”ни яратиш вазифаси юклатилди.

Сунъий интеллект — келажак технологияси. Биз учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек эзгу мақсадни ўз олдимизга қўйган эканмиз, сунъий интеллект бобида ҳам ҳеч кимдан ортда қолмаслигимиз лозим.

Шу маънода IT соҳасини жадал ривожлантириш борасида ҳали қилиниши керак бўлган ишлар кўп. Масалан, бозорда талаб юқори бўлган, замонавий технологиялар ва дастурлаш тилларини чуқур биладиган кадрларни кўпайтириш керак. Кўплаб компаниялар халқаро лойиҳалар учун мос келадиган даражадаги мутахассисларни топишда қийинчиликларга дуч келмоқда. Олий таълим муассасаларида берилаётган билимлар кўпинча реал иш жойидаги талаблар ва амалий кўникмалардан ортда қолади. Назарий билимлар кўп бўлса-да, уларни амалиётда қўллаш ва мураккаб лойиҳаларда иштирок этиш кўникмалари етарли эмас. Битирувчиларнинг кўпчилигида амалий лойиҳаларда қатнашиш тажрибаси кам. Бу уларнинг ишга жойлашиш жараёнини мураккаблаштиради ва компаниялар учун қўшимча ўқитиш харажатларини келтириб чиқаради.

Шу боис юртимизда талабаларда мустақил фикрлаш, муаммоларни ечиш ва креатив ёндашувларни ривожлантиришга эътибор кучайтириляпти. Бу эса уларнинг глобал IT бозорида рақобатбардош бўлишига имкон беради.

Мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун комплекс ёндашув талаб қилинади. Шу маънода, олий таълим ва IT компаниялари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтиришга эътибор катта. Хусусан, талабаларнинг ўқув жараёнидаёқ компанияларда амалиёт ўташи, дуал таълим тизимини жорий этиш орқали амалий кўникмаларни ривожлантириш, шунингдек, ўқув дастурларини ишлаб чиқишда компанияларнинг фикрларини инобатга олиш ҳам устувор вазифага айланган. Глобал стандартлар ва бозор талабларига мос, доимий янгиланиб турадиган дастурларни жорий қилиш, хорижий етакчи университетлар тажрибасини ўрганиш ва жорий этиш ҳам муҳим. IT соҳаси тез ўзгариб тургани сабабли, мутахассисларнинг доимий малакасини ошириб бориши учун имкониятлар яратиш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини ташкил қилиш масалаларида ҳам ортда қолмаслигимиз зарур.

Президентимизнинг IT-паркка ташрифи ва лойиҳанинг иккинчи босқичига тамал тоши қўйилиши Ўзбекистоннинг рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга қатъий интилишининг яққол исботидир. Юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасидаги муаммоларни ҳал этиш орқали мамлакатимиз нафақат минтақавий, балки глобал IT бозорида ҳам муҳим ўрин эгаллаши мумкин. Бу эса Ўзбекистоннинг келажакдаги иқтисодий ривожланиши ва халқаро майдондаги нуфузини янада мустаҳкамлайди. Соҳага қаратилаётган эътибор ва саъй-ҳаракатлар натижасида Ўзбекистон яқин келажакда IT соҳасидаги етакчи давлатлардан бирига айланиши кутилмоқда.

Орзу ДАВРОНОВ,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ўқув ишлари бўйича проректори.

18 ноябрь — Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи қабул қилинган кун

Миллий бирдамлик ва ватанпарварлик рамзи

Халқимизни ягона мақсад йўлида бирлаштириш, эзгу орзу ва интилишларга илҳомлантириш, ҳар бир қалбда миллий ғурур, ватанпарварлик ва садоқат туйғуларини мустаҳкамлашда давлат рамзларининг ўрни беқиёс. Шу маънода, бу йил Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинганининг 34 йиллиги ҳам мамлакатимиз бўйлаб “Бир Ватан, бир эл, бир байроқ!” шиори остида кенг нишонланмоқда.

Бу улуғ сана муносабати билан Республика Маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан қатор вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида “Бир байроқ остида” республика байроқ эстафетаси ташкил этилди. Ушбу лойиҳадан кўзланган мақсад халқимизни янада жипслаштиришдир.

Рамзий байроқ 8 — 10 ноябрь кунлари Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ шаҳри, Сурхондарёнинг Сариосиё тумани ва Андижоннинг Хонобод шаҳридан бир вақтнинг ўзида йўлга чиқди. Уч йўналиш бўйлаб ҳаракатланаётган байроқ мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан ўтиб, 18 ноябрь куни Тошкент шаҳридаги “Халқлар дўстлиги” майдонида бирлашади.

Айтиш жоизки, байроқнинг ҳар бир манзилга кириб бориши тарих ва замонавийлик уйғунлигини яққол намоён этмоқда. Мазкур эстафета доирасида ҳар бир ҳудудда маданий, маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ташкил қилиниб, уларда ёшлар, ҳарбийлар, зиёлилар ва кенг жамоатчилик вакиллари фаол қатнашмоқда.

Куни кеча Мўйноқдан бошланган сафда мағрур байроқ Амударё устидан ўтиб, Хоразмнинг маданий марказларидан бири — Хивага етиб келди. Ичан қалъа, Арда Хива, Жалолиддин Мангуберди ҳайкали жойлашган майдонда ўтказилган тадбирлар юртдошларимизга муҳаббат ва фидойилик кайфиятини улашди.

Бу жараён нафақат юртимиз аҳлини, балки хорижлик сайёҳларни ҳам бефарқ қолдирмаяпти. Хусусан, мамлакатимизда бўлиб турган туристлар Ўзбекистон халқининг бирдамлиги ҳамда давлат рамзларига бўлган юксак ҳурматини юқори баҳолашяпти.

Аминмизки, пойтахтда бўлиб ўтадиган асосий тантана байроқ эстафетасининг муносиб якуни бўлади. Ушбу лойиҳа Ватанга муҳаббат, миллатга садоқат, эзгулик ва ҳамжиҳатликни ифода этишда ўзига хос ташаббус сифатида ҳар бир юртдошимизнинг ёдида қолишига шубҳа йўқ.

Баҳора АҲМЕДОВА.

СЎЗ САНЪАТИ ФИДОЙИСИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида таниқли адабиётшунос олим ва таржимон, филология фанлари номзоди, профессор Эргаш Очилов таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан “Филологиянинг долзарб масалалари” мавзуидаги республика илмий-назарий конференцияси ўтказилди.

Анжуман

Унда юртимиз илм-фан соҳаси вакиллари, адабиётшунослар, таржимонлар, шоир ва ёзувчилар, олий ўқув юртлари профессор ўқитувчилари ва талабалари, Тожикистон, Озарбайжон, Эрон, Ҳиндистондан олимлар қатнашди.

Анжуманда адабиётшунос олим Эргаш Очиловнинг мамлакатимизда илм-фанни янада ривожлантириш, бадиий адабиётимизни сермазмун асарлар билан бойитиш, ёшларни сўз санъатига ошуфта инсонлар этиб тарбиялаш борасида қўшаётган ҳиссаси ҳақида сўз юритилди.

— Олим туркий ва форсий халқлар мумтоз адабиёти, адабий алоқалар ва бадиий таржиманинг назарий-амалий масалалари билан шуғулланади, — дейди Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директори ўринбосари Мақсуд Асадов. — Шу билан бирга, фидойи ижодкор рус, форс, тожик, дарий, туркман, озарбайжон, татар ва қорақалпоқ тилларидан шеърий ва насрий асарларни она тилимизга ўгирган. Таржима қилган ва нашрга тайёрлаган китобларининг умумий ҳажми 150 дан ортиқ. 1700 га яқин илмий ва илмий-оммабоп мақолалари, маруза ва тезислари турли нашрларда чоп этилган. Бу олимнинг сермаҳсул фаолият юритаётганининг ифодасидир.

Шунингдек, конференцияда адабиёт назарияси ва адабий алоқалар, ўзбек мумтоз адабиёти масалалари, ХХ аср ўзбек адабиёти ва ҳозирги адабий жараён, тилшунослик, таржимашунослик муаммолари, фольклор ва ёзма адабиёт муносабати муҳокама қилинди.

Дилшод КАРИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Бугун — Халқаро бағрикенглик куни

МАДАНИЙ ДИПЛОМАТИЯНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ

Бугунги глобаллашув жараёнида жамиятда диний бағрикенгликни таъминлаш жаҳон ҳамжамияти олдида турган долзарб вазифалардан бирига айланган. Сўнгги йилларда дунёнинг турли нуқталарида динлараро келишмовчиликлар, фуқаролар ўртасида адоват ва жамиятда беқарорликнинг юзага келиши каби салбий ҳолатлар кўпайгани кузатилмоқда. Бундай мураккаб шароитда турли дин ва эътиқод вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик, тотувлик ва ҳамкорликни ривожлантириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу йўналишдаги катта қадамлардан бири жамиятда динлараро мулоқот ўрнатиш ҳисобланади. “Динлараро мулоқот” атамаси — турли динлар, эътиқодлар ва маънавий қарашларга эга шахслар ўртасидаги конструктив, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорликка асосланган мулоқот шаклини ифода этади. Унинг асосий мақсади турли динлар вакиллари ўртасида ўзаро тушунишни рағбатлантириш орқали бағрикенглик ва тотувлик даражасини оширишдан иборат.

Шу нуқтаи назардан, динлараро мулоқот маданий дипломатиянинг ажралмас ва муҳим таркибий қисми сифатида намоён бўлади. У турли дин ва маданият вакилларини бир майдонга жамлаб, мулоқот ва барқарор ҳамкорлик механизмларини йўлга қўйиш орқали глобал тинчлик ва ярашувга эришишда ҳал қилувчи омилга айланади.

Бугунги кунда динлараро мулоқот кўплаб давлатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан институционал даражада қўллаб-қувватланмоқда. Дунёнинг илғор мамлакатларида диний бағрикенгликни ўрганиш ва тарғиб қилишга қаратилган махсус марказлар фаолият олиб бормоқда. Хусусан, БААда 2017 йилда Халқаро бағрикенглик институти ташкил этилиб, 2018 йилда дунёдаги барча конфессия етакчиларини жамлаган Халқаро бағрикенглик саммити ўтказилди.

Қатарда 2010 йилдан буён фаолият юритаётган Доҳа халқаро динлараро мулоқот маркази (DICID) динлараро мулоқотни кучайтириш ва турли дин вакиллари ўртасида тинч-тотув яшашни тарғиб қилиш билан шуғулланади. Марказ “Адён” (Динлар) номли илмий журнални нашр этади ва 2013 йилда “Доҳа халқаро мукофоти”ни таъсис қилган.

Саудия Арабистони, Австрия ва Испания ҳамкорлигида 2012 йилда асос солинган Қирол Абдуллоҳ номидаги Халқаро динлар ва маданиятлараро мулоқот маркази (KAICIID) ҳукуматлараро ташкилот бўлиб, ҳозирда Лиссабонда жойлашган. Унинг вазифаси бутун дунё диний етакчиларини жалб этган ҳолда мулоқотни уюштириш ва ижтимоий тотувликка тўсқинлик қилаётган муаммоларни бартараф этишга кўмаклашишдир.

Шунингдек, Иорданияда Динлараро ҳамкорлик илмий-тадқиқот маркази, Озарбайжонда Диний конфессия раҳбарларининг Маслаҳат кенгаши, Қозоғистонда Динлар ва цивилизациялараро мулоқотни ривожлантириш маркази каби динлар ўртасида мулоқотни ривожлантиришга қаратилган махсус тузилмалар фаолият юритмоқда.

Глобал миқёсдаги ушбу тенденциялар фонида Ўзбекистоннинг саъй-ҳаракатлари алоҳида эътиборга лойиқ. Бугунги кунда Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элатлар, 16 та диний конфессия вакиллари истиқомат қилади. Мамлакатимизда турли динларни асраб-авайлаш, барча фуқароларга эътиқод эркинлигини таъминлаш ва миллатлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу жиҳатлар 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида ва Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида устувор вазифа сифатида белгиланган. Президентимиз таъкидлаганидек, давлат сиёсатида барча миллат ва элат вакилларининг миллий ўзлиги, тили, маданияти ва динини сақлаб қолишга катта аҳамият берилади.

Ўзбекистоннинг бу борадаги амалий қадамларидан бири сифатида БМТ Бош Ассамблеясининг 2018 йил 12 декабрдаги ялпи мажлисида “Маърифат ва диний бағрикенглик” махсус резолюциясининг қабул қилинишини келтириш мумкин.

Бу мамлакатимизнинг нафақат ички барқарорликни таъминлаш, балки халқаро майдонда ҳам фаол ташаббускор сифатида майдонга чиқаётганини кўрсатади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқида жаҳон миқёсида динлараро бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик ғояларини кенг тарғиб этишга қаратилган муҳим таклиф илгари сурилди. Бу Ўзбекистонда ЮНЕСКО шафелигида Динлараро мулоқот ва бағрикенглик халқаро марказини ташкил қилиш ташаббусидир.

Мазкур ташаббус Ўзбекистоннинг глобал жараёнга муносиб ҳисса қўшишга тайёрлигини намоён этади. Бинобарин, ушбу янги марказ халқаро ҳамжамиятнинг тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштирувчи муҳим платформага айланиш салоҳиятига эга бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг ЮНЕСКО шафелигида янги марказ тузиш таклифи бир неча муҳим жиҳатлари билан аҳамиятлидир. Хусусан, биринчидан, бу глобал эҳтиёжга жавобдир. Марказнинг очилиши дунёда диний муросасизлик кучайиб бораётган бир пайтда Ўзбекистоннинг бағрикенглик тамойилларини нақадар қадрлашини намоён этади.

Иккинчидан, янги марказ “KAICIID”, “DICID”, БАА Халқаро бағрикенглик институти каби мавжуд тузилмаларнинг муваффақиятли тажрибаларини ўрганиш ва улар билан ҳамкорлик қилишга шароит яратади.

Учинчидан, ташкилотнинг ЮНЕСКО мандати остида фаолият юритиши унга глобал миқёсда юқори мақом, нейтраллик ва кенг қамровли иш олиб бориш имконини беради. Бу, ўз навбатида, БМТнинг тегишли резолюцияларини амалга оширишга ҳам ҳисса қўшади.

Тўртинчидан, Ўзбекистон ҳудуди тарихан турли динлар ва маданиятлар чорраҳаси бўлган. Бундай марказнинг минтақамизда ташкил этилиши нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун Марказий Осиёнинг динлараро мулоқотдаги ижобий ролини кучайтиради.

Глобаллашув шароитида дин омили ҳам бирлаштирувчи, ҳам ажратувчи куч сифатида намоён бўлиши мумкин. Халқаро тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг энг самарали йўли турли дин ва эътиқод вакиллари ўртасидаги конструктив, ўзаро ҳурматга асосланган мулоқотни йўлга қўйишдир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2020 йилда ташкил этилган Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази ҳам буюк аждодларимизнинг калом илми ривожига қўшган ҳиссасини чуқур тадқиқ қилиш, хусусан, исломнинг мўътадил йўналиши сифатида ном қозонган мотуридийлик таълимотининг моҳиятида ётган миллатлараро ва динлараро бағрикенглик, ўзаро ҳурмат, тинчлик-тотувлик каби асл қадриятларни тарғиб этишга хизмат қилмоқда.

Жумладан, марказ томонидан Имом Мотуридийнинг “Таъвилот ал-Қуръон”, “Китоб ат-Тавҳид” каби асарлари илк бор тўлиқ ўзбек тилига таржима қилинди. Ушбу бебаҳо асарлардаги бағрикенглик, тотувлик, маърифатпарварлик, ватанпарварлик, тинчликсеварлик ғоялари халқчил рисолалар, роликлар, подкастлар, маърузалар шаклида халқимизга етказилмоқда.

Марказ ўз фаолияти орқали “Жаҳолатга қарши маърифат” ғояси асосида ислом динининг асл моҳиятини очиб бериш, мўътадил ақидавий таълимотларни тарғиб қилиш орқали диний мутаассиблик ва экстремизмга қарши курашиш, шунингдек, жамиятда динлараро бағрикенглик ва тотувликни мустаҳкамлашда муҳим илмий-маърифий асос яратмоқда.

Жасур НАЖИМИДДИНОВ,
Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий котиби, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33 йиллиги муносабати билан Адлия вазирлиги томонидан «Умуммиллий Конституция имтиҳони» ўтказилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1142. 10 552 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Қаршиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.25 Топширилди — 01.27 1 2 3 4 5 6